

## Халқаро исломий ташкилотлар уламолари томонидан “Аср келишуви” бўйича мурожаат қабул қилинди



07:40 / 26.06.2019 2477

25 та халқаро исломий ташкилот ва жамиятлар “Аср келишуви” ва Манамадаги конференцияга ўз норозилиklarини баён этиб, барча араб ва мусулмон халқларини унга қарши муносабат билдиришга чақирган. Бу ҳақда IQNA сайти agabi21 ахборот порталига суяниб хабар бермоқда. Маълум бўлишича, шу кунларда Манамада “Фарвонлик йўлида тинчлик” номи остида АҚШнинг Яқин Шарқ бўйича “Аср келишуви” тинчлик режасини амалга киритишга қаратилган биринчи йиғилиши бўлиб ўтмоқда. Шу сабабдан ҳам Истамбулда бўлиб ўтган конференцияда Бутунжаҳон мусулмон олимлари кенгаши, Ливан мусулмон уламолари жамияти, Ливия мусулмон уламолари жамияти, Жазоир мусулмон

уламолари жамияти, Судан мусулмон уламолари жамияти, Туркия мусулмон суннийлар уламолари жамияти каби 25 та халқаро исломий ташкилот ва жамиятларнинг уламо ҳамда мутафаккирлари дунё ислом умматига мурожаат қабул қилиб, унда Фаластин ерлари бутун ислом умматига тегишли ерлар экани маълум қилинган. Ўз навбатида фаластинликлар Баҳрайн пойтахти Манама конференциясига байкот эълон қилиб намойишлар ўтказмоқдалар.

***Islom.uz***